*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 203 (9699). ● 1989 йил 26 октябрь ● пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

## ФИНЛЯНДИЯГА ТАШРИФ

Финляндия республикасининг президенти М. Койвистонинг таклифига биноан СССР Олий Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 25 октябрь куни Москвадан Хельсинкига расмий ташриф билан жўнаб кетди.

М. С. Горбачевнинг сафарида унга ҳамроҳлик қиладиган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министри К. Ф. Катушев, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вяляс, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Б. В. Гидаспов, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. Г. Ковалев у билан бирга жўнаб кетдилар.

Аэропортда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод Д. Т. Язов, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Р. Н. Нишонов кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Финляндиянинг СССРдаги муваққат ишлар вакили П. Оинонен бор эди.

(ТАСС).

## *Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг* ҚАРОРИ

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИНГ СОНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатларини сайлаш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 16-моддасига мувофиқ қарор қилади:

Йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Советига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларининг сони қуйидагича белгилансин:

Область Советларига: Андижонда — 250 та, Бухорода — 250 та, Қашқадарёда — 220 та, Наманганда — 205 та, Самарқандда — 275 та, Сурхондарёда — 200 та, Сирдарёда — 300 та, Тошкент областида — 210 та, Фарғонада — 300 та, Хоразмда — 160 та, Тошкент шаҳрида — 250 та.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**М. ИБРОҲИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1989 йил 25 октябрь.

*«ҲОСИЛ-89»*

## Бўка: МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

**Бўкалик азамат деҳқонлар давлатга 58200 тонна пахта топшириб режаларини муддатидан илгари адо этганлардан сўнг қўшимча мажбурият олган ва ялпи хирмонларини 60 минг тоннага етказишга сўз берган эдилар.**

**Куни кеча райондан хушхабар олинди. Теримни қизғин давом эттириб техника, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланаётган деҳқонлар мажбуриятни ҳам ортиғи билан уддаладилар.**

**— Ҳали далаларимизда ҳосил бор, — дейди бизга бу ҳақдаги хушхабарни етказган район агросаноат бирлашмаси бош агрономи Ирисбек Файзиев. — Шунинг учун ҳам қолган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиб, кузги-қишки ишларни ҳам бошлаб юборишга қаратилган қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди. Айни кунларда бу тадбирни амалга ошириш учун ташкилотчилик ишлари кучайтирилди. Пахта далаларида терим техникаси конвейернинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш учун ҳаракат қилинмоқда.**

**Тимирязев номли, «Партия XIX съезди», «Октябрь 40 йиллиги», Ҳамза номли колхозлар катта хирмонга салмоқли ҳисса қўшган эдилар. Улар йиғим-теримнинг якунловчи босқичида ҳам ишларни намунали ташкил этмоқдалар.**

**Умуман районда йилни муваффақиятли туғаллаш учун кўтаринки руҳ, юксак кайфият билан иш олиб борилмоқда.**

**Н. ИСАЕВ.**

*«ҲОСИЛ-89»*



✦ **БЕКОБОД районидаги «Далварзин» совхозининг 4-бўлими давлатга пахта сотиш режасини муддатдан илгари бажарди. Қабул пунктларига 1,5 минг тоннадан ортиқ хом ашё топширилди. Бунда Тошкент Педагогика билим юрти талабаларининг муносиб ҳиссаси бор. Улар терим мавсуми бошлангандан буён ҳосилни йиғиштириб олишда деҳқонларга кўмаклашмоқдалар. Суратда: талабалар пахтазорда.**

**Суратчи А. КОШКИН.**

## Теримчи ҳам эсдан чиқмасин

### *Шахсий фикр*

ҲОЗИР пахтакор хўжаликларда ҳаёт қайнаган пайт. Ҳосилни тезроқ териб олишда механизатор билан биргаликда тер тўкаётган чевар теримчиларнинг ҳам оз бўлсада ҳиссаси бор, албатта. Аммо мен қуйида бошқа бир масала тўғрисида фикр билдирмоқчиман. Маълумки, ҳар йили ўнлаб механизаторлар яхши натижаларга эришганликлари учун қимматбаҳо буюмлар, енгил автомашиналар ва Ватанимизнинг турли бурчакларига дам олиб келиш учун бепул ёки навбатсиз йўлланмалар билан тақдирланадилар. Бундан ташқари ҳар йили пахта йиғим-терими бошланиши олдидан пахта териш машиналарининг кўриги аввал хўжаликларда кейин район миқёсида ўтказилади. Кўрик ғолиби эса қимматбаҳо буюм билан мукофотланмоқда.

Хўш, теримчилар-чи?! Оилада бола тарбияси, рўзғор ташвишидан вақт топиб пахта теримида иштирок этаётган теримчиларга алоҳида эътибор билан қараб, улар йил якунида енгил машина эмас, балки оилага, уй бекаларига ёрдами тегадиган техника воситалари билан, яъни тикиш машинаси, холодильник, кир ювиш машинаси, чанг тозалагич ва камёб кийимлик материаллар билан тақдирланса теримчи опа-сингилларимиз меҳнати тўғри баҳоланган бўлар эди.

Ҳозир-чи? Шу бугунги кунда хўжаликларда теримчилар учун ҳар беш кунлик якунларига қараб илғорларга 5 сўм, 10, 15 сўм ҳажмида пул ажратилади холос.

Нега энди ҳар йили пахта терими бошланиши олдидан терим машиналари кўриги ўтказилади-ю, илғор теримчилар конкурси аввал хўжаликларда, кейин районларда ва областда ўтказилмайди.

Район миқёсида ўтказилган теримчиларга область теримчилари конкурсида иштирок этиш ҳуқуқи берилса ва энг кўп пахта терган теримчига «Теримчилар конкурсининг лауреати» унвони берилса. Ахир қишлоқда яшаб, чанг ютиб юртимиз бойлигига ўз ҳиссасини қўшаётган колхозчи-теримчиларни ҳам лауреат деган номга сазовор бўлаётган шоир ва шоиралардан, раққоса ва хонандалардан, рассом ва артистлардан камлик жойи бўлмаса керак!

Тенг ҳуқуқли совет халқлари тенг ҳуқуқли имтиёзларга эга бўлиши шарт! Бу ҳақда мутасадди ўртоқлар ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

**Аҳмаджон АВАЗОВ,**
**Бўка ноҳиясидаги 31-мактаб ўқитувчиси.**

## ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

**ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 25 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН**

### МАЪЛУМОТ

**(планга нисбатан процент ҳисобида).**

**Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрлангани; учинчи устун — мавсум бошидан буён: тўртинчи устун — машина терими — бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ЎРТА ЧИРЧИҚ | 0,37 | 105,92 | 0,24 | 125,29 |
| ЧИНОЗ | 1,36 | 105,00 | 1,70 | 100,32 |
| ҒАЛАБА | 0,79 | 104,47 | 0,79 | 125,15 |
| БЎКА | 0,22 | 103,09 | 0,16 | 119,34 |
| ОҚҚЎРҒОН | 0,27 | 103,00 | 0,21 | 117,89 |
| ПИСКЕНТ | 0,10 | 101,81 | 0,08 | 105,49 |
| Коммунистик | 0,61 | 98,78 | 0,23 | 115,28 |
| Бекобод | 0,31 | 98,15 | 0,20 | 97,78 |
| Янгийўл | 1,31 | 96,35 | 1,17 | 90,90 |
| Область бўйича: | 0,50 | 101,91 | 0,44 | 112,44 |

## *Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси*

### Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

# Депутат И. А. КАРИМОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Аввало, тил тўғрисидаги Қонуннинг кечадан буён муҳокама қилинаётган лойиҳасини тайёрлаш устида беқиёс катта иш олиб борган мутахассисларга, тилшунос олимларга, ёзувчиларга, ўз хатлари ва таклифлари билан Ўзбекистонда яшаётган аҳолининг тақдирини, келажагини белгилайдиган, ўзбек тилининг нуфузини оширадиган мана шу олижаноб ишга ҳисса қўшган ҳамда ушбу катта сиёсий ҳужжатни тайёрлашда иштирок этган бошқа ҳамма ўртоқларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсизлар.

Холисона айтганда, матбуотда илк бор эълон қилинган лойиҳа кўпчиликни қониқтирмаган эди. Шуни очиқ айтишимиз керакки, қонуннинг биринчи лойиҳасини бугунги сессиямиз муҳокамасига қўйганда, кўпчилик халқимизнинг талабини оёқ-ости қилгандек бўлардик.

Шуни эътиборга олиб, бугун муҳокамага қўйилган янги лойиҳани тайёрлашга мажбур бўлдик. Иккинчи лойиҳани тайёрлашда миллионлар қатнашди десак ҳам бўлади. Аҳолининг кўпчилиги иккинчи лойиҳани маъқул топди. Бундай хулоса ҳаммамизга бугун аён. Ҳақиқатан ҳам, ўртоқлар, у ҳамманинг талабига жавоб беради, қолаверса, барча халқлар манфаатига ҳам тўғри келади.

Очиғи, ушбу иккинчи лойиҳадан ҳам норози бўлганлар топилди. Бунга тушуниш мумкин, албатта. Ҳамма жиҳатдан мукаммал битта лойиҳани тузиб, ҳаммага баб-баравар манзур қилиш қийин, бу ҳеч кутилмаган фавқулодда бир ҳол ҳисобланади.

Шу ўринда бир масалага аниқлик киритиб кетишимиз керак. Бу ҳам бўлса, ўзбек тилини қарор топтириш ва ривожлантириш ҳақидаги шиорлар остига яширинган ҳолда маҳаллий аҳолини рус тилида гапирадиган аҳолига нисбатан қарши қўяётган, шуни ўзларига мақсад қилиб олган кимсаларнинг ҳаракатлари тўғрисида гаплашиб олишдан иборатдир. Бундай ҳаракатларга, энг аввало сиёсий калтабин, айтишим керакки, ўртоқлар очиқдан-очиқ худбинлик йўлига ўтиб олган кишилар қўл урмоқдалар. Улар халқлар ўртасига нифоқ солиб, ўзларининг нопок ниятларига эришмоқчи бўлаяптилар.

Хуллас, улар ҳар бир халқда ҳозир энг таранглашиб турган дил торларини, яъни осонгина қўзғатиш мумкин бўлган торларни чертишга ҳаракат қиляптилар. Буни очиқдан-очиқ айтиш керак. Бу торлар ҳаммага маълум: миллий ғурур тушунчаси, ор-номус тушунчаси, қайси бир миллатга мансублигидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати тушунчаларидан иборат.

Агар ишларимиз шу тарзда давом этаверса, бунақа ахмоқчилик, бунақа зўравонлик эртага нимага олиб келишини шу залда ўтирган ўртоқлар, бизнинг активларимиз аниқ тасаввур этишлари ва ҳозирги аҳволнинг кескинлашиши қандай оқибатларга олиб келишини, очиқ-ойдин айтишлари лозим. Кейинги йилларда, бусиз ҳам ўзбек халқининг бошига, ҳаммангизга маълумки, не мусибатлар, не туҳматлар ёғилмади, дейсиз. Бизларни порахўр ҳам дейишди, ўғри ҳам дейишди, бизлар зўравон деган ном ҳам олдик. Энди эртага ҳаммамиз миллатчи деб ҳам аталишимиз керакми?

Ўртоқлар, менинг фикримча, бу гапларнинг илдизини қирқиш керак. Буларни ташкил қиладиган, уюштирадиган одамларни топиш керак.

Ҳозирги аҳволнинг кескинлашишида майдонларга чиқиб намойиш ўтказадиган ёшларимизнинг айби йўқ. Бунга, аввало ўзимиз айбдормиз. Биз, аввало бу болаларни, бу йигитларимизни тарбиясига, уларнинг аҳволига эътибор бермаганимиз, уларни кўп вақтларда алдаб юрганимиз, уларни кўп жойда онгига баъзи нопок одамлар таъсир этаётганининг салбий оқибатларини сезмаганимиздир.

Айрим кишилар бу хилдаги ножўя ҳатти-ҳаракатларда «Бирлик» уюшмасининг қўли бор деган фикрда бўлишди. Ушбу сессиямизда «Бирлик» вакиллари ҳам иштирок этишаяпти. Шу масала бўйича мен яна такроран қуйидаги гапларни айтишни лозим деб топаман. Уларнинг орасида халқимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган, порлоқ келажагимиз учун курашадиган, жонкуяр, ақлли йигитларимиз ва ёшларимиз кўп. Шу йигитлар билан ҳамкорликка, биргалашиб ишлашга ҳаммамиз тайёрмиз. Лекин, бу ҳаракат байроғи остига нопок, тубан ниятли кимсалар йиғилганки, ёш йигитларни майдонга чиқариб, «уларни ур» деган шиорлар билан бошқаларга қарши кўтараётган бундай одамларга нисбатан биз қандай муносабатда бўлишимиз керак. Бунақа ҳаракат нимага олиб келади? Очиғини айтганда, бу бизга Ўзбекистонда яшаётган халқларга тўғри келмайдиган нарса эмасми?

Ўртоқлар, ўзбек халқининг яхши ҳикматлари борки, қайси оилада бир кун жанжал бўлса, қирқ кунлик баракаси қочади, дейилади. Тўғри эмасми? Мана қаранг, менимча кейинги йилларда биздан барака қоча бошладики, бу баракани энди қачон оилаларимизга киритамиз?

Демоқчиманки, олдимизда иккита йўл турибди, ўртоқлар. Агар баъзи нопок ниятда юрган одамларнинг гапига кириб жанжал кўтариб, кўчаларга чиқиб намойиш уюштирсак, ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйсак — бу ҳам битта йўл. Агар бирон-бир ўртоқ шу йўлга чақирадиган бўлса, шунга интиладиган бўлса, у тамомила адашади.

Биз иккинчи йўлдан борамиз. Шунга кўра ўз ақлимизга иш буюриб, камчиликларимизни тўғри тушуниб, ишларимизни холисона таҳлил қилиб, Советларга бўлажак сайловларда халқ тақдирини ўйлайдиган, халқ билан бирга қадам ташлайдиган, унга ҳамдард ва ҳамнафас бўладиган ўртоқларни сайлаб олайлик. Имоним комилки, улар ишончимизни оқлайди, кўзлаган марра сари йўлимизда муваффақият қозонишимиз осонроқ бўлади. Мана шу йўл билан борсак, ўртоқлар, мен ўйлайманки, тарих олдида юзимиз шувут бўлмайди.

Тил ҳақидаги баъзи мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчиман. Биринчи навбатда шуни айтмоқчиманки, ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмаса керак. Бу аллақачон юз бериши лозим бўлган ҳодиса эдики, аҳолимиз кўпчилигининг қонуний талаби ҳам шундай эди.

Бинобарин, ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади.

Лекин она тилимизни билиш йўлидаги интилишларимизни, ҳаракатимизни рус тилига қарама-қарши қўйиш, рус биродарларимиз билан алоқани бузиш мутлақо нотўғри бўлур эди. Нимага деганда, ўртоқлар, рус халқи билан дўстлигимиз бир кунда пайдо бўлиб қолгани йўқ, бу катта-катта синовлардан ўтган дўстлик-биродарлик ҳисобланади. Рус халқи ҳали Россиянинг ўзи катта қийинчиликлар гирдобида ётган ўша 1920 йилда энг кўзга кўринган, таниқли олимларни ўлкамизга юбориб, ўзбек халқига ёрдам қўлини чўзган эди. Дўстлигимиз Улуғ Ватан уруши йилларида душманга қарши жанг майдонларида, урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида ва айниқса зилзиладан вайрон бўлган Тошкентни тиклаш чоғида синовлардан ўтгандир.

Бир-биримиз билан шунақа аҳил ва дўст бўлиб яшаётган бир пайтимизда халқларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, улар орасига нифоқ солишга урунишлар яхшиликка олиб келмайди. Ҳар қайси миллат, каттами ё кичикми эканлигидан қатъи назар ўз она тилини ҳурмат қилади. Ўзбеклар ўзбек тилини ҳурмат қилса, тожиклар тожик тилини, қозоқлар қозоқ тилини, айтайлик бошқа миллат вакили, у катта ё кичик бўлишига қарамай, ўз тилини ҳурмат қилади. Лекин ана шу халқларнинг ҳаммасини бирлаштириш учун, уларнинг бир оила аъзолари каби иноқ ва ҳамжиҳат бўлишларида рус тили муҳим восита ҳисобланади. Бу тил бошқа бирор миллат тилининг нуфузини камситмаган, ўша миллат ғурурига тегмаган ҳолда ягона оилага бирлашган халқлар тараққиётига, турли миллатларга мансуб кишилар ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга, қўйилган мақсадларга эришишга бебаҳо ёрдам бериши мумкин. Умуман, ўртоқлар, агар рус миллатига мансуб киши ўзбек тилини билса, ўзбек эса рус тилини билса, бунинг устига ҳозирги ёшларимиз яна учинчи тилни ҳам билсалар нур устига аъло нур бўлмасмиди?!

Тил тўғрисида гапирарканман, яна битта нарсага эътиборингизни жалб қилишни истардим. Агар, иқтисодиётимиз яхши бўлса, яхши ривож топса, бундан маданиятимиз ҳам мадад олади, ривож топади. Агар келажагимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсак, келажакда ишимизни давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиб, унинг ҳаёти ҳақида қайғурадиган бўлсак, аввало маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлақо ўзгартиришимиз керак. Мумкин қадар кўпроқ иқтидорли ёшларимизни Иттифоқнинг энг илғор корхоналарига, шулар жумласидан ҳатто хорижий мамлакатларга, керак бўлса янги технология, янгича иш ташкил қилишни ўрганиш учун Япония, Америкага ҳамда бошқа жойларга юбориб, уларнинг ўқишига, тажриба орттиришига имконият яратиш лозим. Иқтисодимизни, ҳаётимизни ўзгартириш ана шуларга боғлиқ бўлади. Агар шуни қилмасак, ўртоқлар, бу юришимизда катта йўлга чиқишимиз қийин бўлади.

Айтиш керакки, кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-қувватламасдан, ўйлайманки бирон-бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди.

Кадрларимизни аксарияти юксак талаблар даражасида ишлаяпти. Улар ўзбек халқи бошидан кечирган катта синовлардан поклиги ва ҳалол меҳнати билан ўз шанига гард юқтирмай чиқдилар. Бундай кишиларга ишонч катта. Улар бундан кейин ҳам ана шундай ишлашади, деб умид билдирмоқчиман. Ишонаманки, ҳозир муҳокама қилинаётган масала бўйича ҳам ҳурматли депутатларимиз тўғри, оқилона қарорга келади, албатта.

## «ТЮМЕНЬ ДИЁРИ ҚАЛБИМИЗГА ЯҚИН...»

Кўпдан-кўп илмий, иқтисодий, маданий муносабатлар қуёшли Ўзбекистон билан совуқ Тюмень ўлкасини ўзаро боғлаб турибди. Ўтган йили ёзда Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати арбоблари делегацияси пармаловчилар ва газ конлари ишчилари ҳузурида бўлди. Ҳозир эса «оқ олтин» ўлкаси жавоб ташрифи билан келган сибирликларни меҳмондўстлик билан кутиб олди.

24 октябрь куни Алишер Навоий номидаги ўзбек академик Катта театрида Ўзбекистоннинг Тошкент областида РСФСР Тюмень области кунларининг тантанали очилиши бўлди. Залда Тошкент шаҳри ва республика пойтахт области меҳнат коллективлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари тўпландилар. Саҳна ўртасига дўстлик байрами тимсоли ўрнатилган — Сибирь нақшлари билан безатилган бурғулаш минораси қад кўтарган. Миноралар узра шарққа томон кабутар учмоқда. Кечани Тошкент область ижроия комитетининг раиси А. А. Йўлдошев кириш сўзи билан очди. У меҳмонларни самимий табриклаб, Тюмень диёри қалбимизга яқин бўлиб Ўзбекистон вакиллари ҳам бу ўлка бойликларини ўзлаштиришга кўмаклашаётганини айтди.

Тюмень область партия комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков ўз нутқида Тюмень диёрини ўзлаштиришга, у ерда йўллар ва уй-жойлар қуришга республика меҳнаткашлари ўз ҳиссаларини қўшаётганлиги тўғрисида гапирди.

РСФСРда хизмат кўрсатган артист, Сибирь скрипкачилар ансамблининг бадиий раҳбари М. Пархомовский, Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Аҳмедова йиғилганларга табрик сўзлари билан мурожаат қилдилар.

Тюмень ўлкасининг бадиий коллективлари тошкентликларга тақдим этган байрам концерти кечанинг расмий қисмини давом эттирди. Профессионал ва ҳаваскор артистларни бирлаштирган бу концерт программасида Тайгадаги Сибирь диёрининг ранго-ранг бўёқлари ва оҳанглари ўз аксини топди. Программа бутуниттифоқ халқ ижодиёти конкурсларининг лауреати, бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси олтин медали нишондори «Тюмень тонгги» рақс ансамбли ижросидаги «Сибирликларнинг таъзимини қабул қилгайсиз» хореографик композицияси билан бошланди.

Сўнгра кутилмаганда шўх Андижон рақси куйи янграйди. Бу куйни рубобда Тюмень делегацияси составида Тошкентга келган юртдошимиз Ойбек Сидиқов ижро этди. У «Узбектюменьжилстрой» трестида Няганда «Краз» машинаси ҳайдовчиси бўлиб ишламоқда.

— Мен Няганда ишлаётганимга кўп бўлгани йўқ, — деб ҳикоя қилди сўнгра Ойбек. — Акам пайвандловчи Улуғбекдан ва синфдошим Азизбек Умаровдан кейин у ерга бордим. Ўзим Бўстонлиқданман, Қорамқул қишлоғида туғилганман. Ҳозир ота-онам у ерда яшайди. Ҳаёт синовларидан ўтиш учун ўз уйимдан узоққа кетганман. Трестимиз кўп ишларни амалга оширишга улгурди. Ҳувиллаб ётган қорли тайгада посёлка бунёд этилди. Уч ярим йил ичида 87 минг квадрат метр уй-жой, болалар боғчаси, дўконлар, спорт клуби, ошхона фойдаланишга топширилди. Уч юзта вагон-уйдан иборат шаҳарча бунёд этдик.

...Шу пайт саҳнада Салихарданинг «Сира-Сэв» («Бойчечак») рақс ансамбли ижросида «Шимол байрами» хореографик сюитаси ранг-баранг бўёқларда намоён бўлди. Биринчи ненец композитори Семен Неруй мазкур коллектив учун музика ёзади. Ненец қўшиқларини тўпловчи Елена Сусой ҳам шу ансамбль аъзосидир. «Югорлар диёри» сюитасида эса Ханти-Мансининг «Миснэ» ва «Хорам» ансамблларининг қатнашчилари қадимий қўшиқ ва рақс санъатини намойиш қилдилар. Тюмендаги «Строитель» маданият саройининг Ф. Ҳакимов раҳбарлигидаги татар халқ коллективи ҳам ўз маҳоратини кўрсатди.

«Билина» сургут рус халқ чолғу асбоблари ансамбли, скрипкачилар ансамблини ва «Шўх рақслар» коллективини, Тюмень цирк труппасини самимий кутиб олдилар. Маданият кунларининг энг ёш қатнашчиси — Приишими районидаги Новие Локти қишлоғидан 10 яшар Снежина Залевскаяни кеча қатнашчилари қизғин олқишладилар. Концерт охирида «Ягона оилада» хореографик композицияси кўрсатилди.

Тюмень области кунларининг тантанали очилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова ҳозир бўлдилар.

* * *

Тошкент областидаги кўпгина районларнинг меҳнаткашлари Сибирь ўлкасидан келган меҳмонлар санъати билан танишадилар. Улар дала шийпонлари ва қишлоқ клубларига, саноат марказлари — Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен шаҳарларига борадилар. Тюменлик ёзувчилар ва артистлар ижодий уюшмаларда ўз ҳамкасблари билан учрашадилар.

**Э. ТУХВАТУЛЛИНА,**
**ЎзТАГ мухбири.**



✦ **СУРАТДА: Тюмень шаҳридаги «Геолог» техника ва маданият саройининг «Тюмень тонглари» ансамблининг чиқиши.**

**С. МАҲКАМОВ сурати.**

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни**

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

(Боши иккинчи бетда).

Советлари депутатлигига номзодлар камида 100 киши ишлайдиган меҳнат коллективларининг йиғилишларида кўрсатилади. Филиал ёки бошқа бўлинма коллективи ҳам, шаҳар, (районга бўйсунадиган шаҳар), қишлоқ ва посёлка Советларига сайлов чоғида эса — корхоналар цехлари, бўлимлари, участкалари, бригада ва бошқа бўлинмалари, муассасалар, ташкилотларнинг коллективлари ҳам, агар бундай бўлинмаларда камида 50 киши ишласа, аҳоли ташаббускор жамоат органлари депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадир. Агар йиғилишда меҳнат коллективи аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпроғи, конференцияда эса делегатларнинг камида учдан икки қисми қатнашса мазкур йиғилиш ва конференция қонуний ҳуқуққа эга, деб ҳисобланади.

Жамоат ташкилотларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш уларнинг область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари томонидан, уларнинг бошланғич ташкилотлари йиғилишлари томонидан амалга оширилади.

Истиқомат жойида сайловчиларнинг депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари тегишли халқ депутатлари Советларининг ёки уларнинг президиумлари томонидан округ сайлов комиссиялари билан биргаликда чақирилади ёки сайловчиларнинг ташаббуси билан ўтказилади. Йиғилишда тегишли округ территориясида яшайдиган сайловчилар тегишли халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ёки қишлоқ сайлов комиссияси билан биргаликда белгилаганидан кам бўлмаган миқдорда сайловчилар ҳозир бўлсалар, йиғилиш ҳақиқий деб ҳисобланади.

Сайловчиларнинг истиқомат жойларида йиғилиш ўтказиш ҳақидаги таклифини халқ депутатлари Совети ёки унинг президиуми округ сайлов комиссияси билан биргаликда уч кун муддат ичида кўриб чиқади. Йиғилиш қайси куни, қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида округ сайловчиларига хабар берилади. Таклиф рад этилган тақдирда сайловчиларга далил-исботли қарорнинг бир нусхаси берилади. Бу қарор устидан район (шаҳар) халқ судига шикоят қилиниши мумкин. Район (шаҳар) халқ суди шикоятни беш кун муддат ичида кўриб чиқишга мажбур. Район (шаҳар) халқ судининг қарори қатъийдир.

Ҳарбий хизматчиларнинг депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан чақирилади ва ҳарбий қисм шахсий составининг камида ярми ҳозир бўлган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Аҳолининг ташаббускор жамоат органларидан депутатликка номзодлар уларнинг умумий йиғилишларида ёки улар органларининг йиғилишларида кўрсатилади.

Йиғилишларда исталганча номзодларни муҳокама қилиш учун шароит яратилади. Йиғилишнинг ҳар бир қатнашчиси депутатликка номзодлар тўғрисида таклифлар киритиш, уларни муҳокама қилишда қатнашиш, таклиф этилаётган номзодларни қўллаб-қувватлаш ёки уларнинг номзодини кўрсатмаслик тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқига эгадир. Йиғилиш қатнашчиси ўз номзодини депутатликка номзод тарзида муҳокама қилиш учун тавсия этиши мумкин. Меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилиши, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилиши, аҳолининг ташаббускор жамоат органи сайлов округидан битта депутатликка номзод кўрсатади. Депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарор йиғилишда очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овоз бериш тартиби йиғилиш томонидан белгиланади.

Овоз беришда қатнашганларнинг ярмидан кўпроғи ёки жамоат ташкилоти тегишли органи умумий составининг кўпчилиги номзодни ёқлаб овоз берган тақдирда у депутатликка номзод қилиб кўрсатилган деб ҳисобланади. Депутатликка номзод кўрсатилганлиги тўғрисида протокол тузилади. Қабул этилган қарор ҳақида депутатликка номзодга икки кунлик муддатдан кечиктирмай маълум қилинади.

Маҳаллий Советлар депутатлигига номзодликка, қоида тариқасида, тегишли халқ депутатлари Совети территориясида ишлайдиган ёки яшайдиган гражданлар кўрсатилади.

Ўзбекистон ССР граждани айни бир вақтда халқ депутатлари иккитадан ортиқ Советнинг депутати бўлиши мумкин эмас.

**33-модда. Округ сайловчилари вакилларининг конференцияси**

Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ округларда округ сайловчилари вакилларининг конференциялари ўтказилиши мумкин. Бу конференцияларни округ сайлов комиссиялари депутатликка номзодлар кўрсатган коллективларнинг кўпчилиги таклифи билан чақиради.

Округ сайловчилари вакиллари конференциясининг қатнашчилари меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари органлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари, аҳолининг ташаббускор жамоат органлари томонидан округ сайлов комиссияси белгилаган нормалар бўйича вакил қилиб юборилади. Бунда ҳар бир меҳнат коллективи, ташкилот ҳарбий хизматчиларнинг ва сайловчиларнинг истиқомат жойидаги йиғилишларидан ва аҳолининг ташаббускор жамоат органидан юборилган делегатлар сони сайловчилар сонига мутаносиб бўлиши керак. Сайловчиларнинг вакиллари йиғилишлар ва конференцияларда делегат қилиб кўрсатилиши мумкин.

Округ сайловчилари вакилларининг конференцияси депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун уларни тегишли сайлов комиссиясига тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилади. Бунда округ сайловчилари вакиллари конференциясининг делегатларига мазкур сайлов округидан депутатликка кўрсатилган барча номзодларнинг рўйхати ва улар ҳақидаги асосий маълумотлар барвақт бериб қўйилади.

Конференцияда ҳар бир депутатликка номзоднинг сўзга чиқиб, ўз бўлажак фаолияти программасини баён этишга имконият берилади. Конференциянинг исталган қатнашчиси депутатликка номзодларни муҳокама қилишга ва улар юзасидан ўз таклифларини киритишга ҳақлидир.

Рўйхатга олиш учун исталганча депутатликка номзод тақдим этилади. Қарор очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул этилади. Овоз бериш тартибини конференция белгилайди. Депутатликка конкрет номзодлар бўйича қарорни ёқлаб овоз беришда қатнашганларнинг ярмидан кўпроғи овоз берган тақдирда у қабул этилган, деб ҳисобланади. Депутатликка номзодларни муҳокама қилиш натижалари конференциянинг протоколида акс эттирилади.

Конференциянинг қарори устидан округ сайлов комиссиясига ёки тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ва қишлоқ сайлов комиссиясига уч кунлик муддат ичида шикоят қилиниши мумкин.

**34-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш**

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодларни кўрсатган меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари органлари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари, аҳолининг жамоат ташаббускор органлари тақдимига ва округ сайловчилари вакилларининг конференцияси ўтказилган бўлса, шу конференциянинг тақдимига биноан округ сайлов комиссияси рўйхатга олади.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш сайлов кунидан икки ой олдин бошланади ва сайлов кунига бир ой қолганда тугалланади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳужжатлар: мазкур сайлов округидан депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги йиғилишларнинг протоколлари ва башарти округ сайловчилари вакилларининг конференцияси ўтказилган бўлса, шу конференциянинг протоколи, шунингдек, депутатликка номзодларнинг мазкур сайлов округидан овозга қўйилишга розилик билдириб берган аризалари мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади. Ушбу қонуннинг 12-моддасида санаб кўрсатилган шахслар депутатликка номзод қилиб кўрсатилган вақтда ўз аризаларида улар депутат қилиб сайланганлари тақдирда эгаллаб турган лавозимларини бўшатиш ниятида эканликларини кўрсатадилар ёки ўз номзодларини қайтариб олишларини маълум қиладилар. Депутатликка номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисида округ сайлов комиссияси протокол тузади, бу протокол депутатликка номзодларнинг аризалари билан бирга халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ советига сайлов ўтказувчи тегишли сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Тегишли сайлов комиссияси ушбу Қонун талабларига риоя этиб, кўрсатилган депутатликка номзодларни рўйхатга олади. Рўйхатга олишдан бош тортилган тақдирда тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссиясига уч кунлик муддатда шикоят қилиниши мумкин. Тегишли сайлов комиссиясининг қарори қатъийдир.

Депутатликка номзод айни бир вақтда битта халқ депутатлари Советига фақат бир сайлов округида овозга қўйилиши мумкин. Депутатликка номзод ўз номзодининг овозга қўйилишига рози эканлигини округ сайлов комиссиясига депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тамом бўлганидан кейин кечи билан уч кунда хабар қилади.

Депутатликка номзод тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссиясида, шунингдек ушбу сайлов округида овоз беришни ташкил этаётган округ ёки участка сайлов комиссиясида бўлиши мумкин эмас. Депутатликка номзод қилиб кўрсатилган ва мазкур комиссиялардан бирида бўлган шахс депутатликка номзод сифатида рўйхатга олинган пайтдан эътиборан комиссиядаги вазифаларидан озод этилган, деб ҳисобланади.

Тегишли сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олингач, кечи билан тўртинчи куни депутатликка кўрсатилган ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), партиявийлиги, иш жойи ва яшаш жойи кўрсатилган ахборотни эълон қилади.

**35-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш. Номзоднинг ўз номзодини қайтариб олиши**

Депутатликка номзод кўрсатган меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти органи, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмдаги йиғилишлари, аҳолининг ташаббускор жамоат органи сайловдан олдин исталган вақтда ўзининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бу масала юзасидан қарор депутатликка номзодлар кўрсатиш учун кўзда тутилган тартибда қабул қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Депутатликка номзод сайловдан олдин истаган вақтида тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этиб, ўз номзодини қайтариб олиши мумкин.

**36-модда. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби**

Башарти депутатликка номзодларни кўрсатиш ёки уларни рўйхатга олиш муддати тугаганидан кейин депутатликка номзодлар ўрни бўшаб қолса, агар сайлов округида бошқа номзодлар қолмаган бўлса, округ сайлов комиссияси меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг студентлар билан биргаликдаги йиғилишларига, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишларига, аҳолининг ташаббускор жамоат органларига мурожаат этиб, депутатликка янги номзодлар кўрсатишни таклиф қилади.

Депутатликка номзодлар ўрни сайловга ўн беш кундан камроқ вақт қолганида бўшаб қолган тақдирда тегишли сайлов округидан депутат сайлови умумий сайловдан кейин икки ойлик муддат ичида ўтказилади.

Бўшаб қолган ўринларга депутатликка номзодлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда кўрсатилади.

**37-модда. Сайлов бюллетени**

Бюллетенга сайлов округидан рўйхатга олинган ҳамма депутатликка номзодлар алфавит тартибида киритилиб, унда ҳар бир депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), иш жойи ва яшаш жойи кўрсатилади. Сайлов бюллетенлари сайлов округининг аҳолиси сўзлашадиган тилларда босилади.

## VII. ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

**38-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзоднинг сайловолди программаси**

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Совети депутатлигига номзодга ўзининг бўлажак фаолият программаси билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Депутатликка номзоднинг программаси СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган давлат ва ижтимоий тузум негизларига қарши бўлмаслиги, урушни тарғиб қилмаслиги, миллий адоватга ҳамда гражданларнинг конституцион ҳуқуқларини камситишга даъват этмаслиги керак.

**39-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзоднинг йиғилишларда сўзга чиқиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ахборот олиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка ва қишлоқ Советларининг депутатлигига номзодлар округ сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган вақтдан бошлаб сайловолди йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда, кенгашларда, мажлисларда, матбуотда чиқиш, телевидение, радио орқали сўзлаш учун тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари, аҳолининг ташаббускор жамоат органлари депутатликка номзодларга сайловчилар ва жамоат ташкилотларининг аъзолари билан учрашувлар ташкил этишда, зарур ахборот материалларни олишда ёрдам беришга мажбурдирлар.

**40-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзоднинг ишончли вакиллари**

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодга уч нафаргача ишончли вакилга эга бўлиш ҳуқуқи берилади, бу вакиллар унга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, унинг депутат қилиб сайланиши учун агитация олиб борадилар, давлат ва жамоат органлари билан, сайловчилар, жамоат ташкилотларининг аъзолари билан муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида унинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод ишончли вакилларни ўз хоҳиши билан белгилайди ва уларни рўйхатга олиш учун округ сайлов комиссиясига хабар қилади. Сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан кейин ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳномалар беради.

Ишончли вакил тегишли сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

**41-модда. Сайловолди агитацияси**

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлигига номзодга йиғилишларда ҳам, шунингдек сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда ҳам ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқи берилади. Сайловчиларнинг йиғилишларини сайлов комиссияси халқ депутатлари тегишли Совети ёки унинг президиуми билан ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ташкил этади.

Депутатликка номзод кўрсатган меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларига студентлар билан биргаликда, истиқомат жойларида сайловчиларга, ҳарбий хизматчиларга, аҳолининг ташаббускор жамоат органларига ўзлари кўрсатган номзодларни ёқлаб ҳеч монеликсиз агитация олиб бориш ҳуқуқи берилади. Сайлов комиссиялари уларга йиғилишлар ва митинглар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар, шунингдек сайловолди агитациясини олиб бориш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятини берадилар.

Ўзбекистон ССР гражданларига, меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига ва ҳарбий хизматчиларга депутатликка номзодларнинг сиёсий, амалий ва шахсий фазилатларини эркин муҳокама қилиш имконияти, шунингдек йиғилишларда, матбуотда, телевидение ва радио орқали номзодни ёқлаб ёки унга қарши агитация олиб бориш ҳуқуқи гарантияланади.

Йиғилишлар ва учрашувлар қачон ва қаерда ўтказилиши сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Сайлов куни агитация олиб борилишига йўл қўйилмайди.

**42-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодни сайловолди тадбирларида қатнашиш учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиш**

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида, митингларда, телевидение ва радио орқали сўзга чиқиш вақтида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифасини бажаришдан озод қилиниб, унинг ўртача иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақлаб қолинади.

**43-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзоднинг транспортда бепул юриш ҳуқуқи**

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли совет территорияси доирасида пассажир транспортининг ҳамма турларида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга.

**44-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзоднинг дахлсизлиги**

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзод тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссиясининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида белгиланадиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

## VIII. ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

**45-модда. Овоз бериш вақти ва жойи**

Овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан соат 7 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор қилади.

Ҳарбий қисмларда, олис ва бориш қийин бўлган районлардаги гражданлар турган жойларда, шунингдек санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида ташкил этилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси агар рўйхатга киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлсалар, истаган вақтида овоз бериш тугалланган, деб эълон қилиши мумкин.

**46-модда. Овоз беришни ташкил этиш**

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига келган вақтда албатта яширин овоз бериш учун кабиналар ёки хоналар орқали ўтадиган қилиб жойлаштирилади.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз истакларини яширин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин участка сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг барча аъзолари иштирокида сайлов қутиларини текширади, пломбалайди ёки муҳрлайди.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради. Бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа шахсий гувоҳнома кўрсатилганида берилади. Сайлов бюллетенлари берилганлиги тўғрисида сайловчилар рўйхатига белги қўйилади.

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўзи истиқомат қиладиган жойдаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, депутатликка номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Сайлов варақасининг нусхасини округ сайлов комиссияси белгилайди.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссия аъзоларига шу сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топширади.

Бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар илова рўйхатига киритилади.

**47-модда. Овоз бериш**

Сайлов бюллетенлари овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирилади. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг бўлиши тақиқланади. Бюллетенларни мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи кабина ёки хонага ўз хоҳиши билан сайлов комиссиясининг аъзосидан бошқа кишини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Сайловда сайловчи бюллетендаги ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

**48-модда. Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаш**

Сайлов участкасида овозлар участка сайлов комиссияси томонидан тегишли халқ депутатлари Советига сайлов ўтказувчи ҳар бир сайлов округи бўйича ва ҳар бир депутатликка номзод бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан кейин комиссиянинг барча аъзолари иштирокида очилади. Овоз бериш тугашидан олдин сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Сайлов қутиларини очишдан олдин фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияси ҳисоблаб чиқади ва бекор қилади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий ва қўшимча рўйхатлари бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетенлар ва сайлов варақалари олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди. Сайлов қутиларида бўлган бюллетенлар, шунингдек сайлов варақалари асосида комиссия ҳар бир сайлов округи бўйича (ушбу сайлов участкаси доирасида): овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонини, ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сонини аниқлайди. Сайловчилар бюллетенларга ва сайлов варақаларига қўшимча ёзиб қўйган гражданларнинг фамилиялари бўйича овозлар ҳисобланмайди.

Белгиланмаган нусхадаги, бошқа округнинг сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари, шунингдек овоз бериш вақтида биттадан ортиқ номзод қолдирилган бюллетенлар ва варақалар ҳақиқий эмас, деб топилади. Сайлов бюллетенининг, варақасининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масалани участка сайлов комиссияси овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва ҳар бир сайлов округи бўйича тузиладиган протоколга ёзиб қўйилади. Протокол комиссия раиси, раис ўринбосари, комиссия секретари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

**49-модда. Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш**

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг протоколлари асосида округдаги сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари олган сайловчиларнинг умумий сонини, овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сонини аниқлайди.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозининг ярмидан кўпини олган депутатликка номзод сайланган деб ҳисобланади.

Округ сайлов комиссияси сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқиш пайтида ушбу қонунни бузишга йўл қўйилгани учун сайловни ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин.

Агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан камроғи қатнашган бўлса, сайлов бўлмаган, деб ҳисобланади.

Сайлов округи бўйича сайлов натижалари округ сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва протоколга киритиб қўйилади. Протокол комиссия раиси, раис ўринбосари, комиссия секретари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссиясига юборилади.

Сайлов округида халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка совети депутатлари сайлови бўйича умумий рўйхат асосида ўтказилган сайлов натижалари тегишли сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин кечи билан бешинчи куни эълон қилинади. Ахборотда сайловчилар рўйхатига киритилган гражданларнинг умумий сони; овоз беришда қатнашган сайловчилар сони; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сони ва номзодга қарши берилган овозлар сони; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сони; сайланган депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), партиявийлиги, иш жойи ва яшаш жойи кўрсатилади.

## IX. ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**50-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайланган депутатларни рўйхатга олиш. Сайлов якунларини эълон қилиш**

Область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссияси ўзига келиб тушган округ сайлов комиссияларининг 19-моддада кўзда тутилган ҳолларда эса участка сайлов комиссияларининг ҳам протоколлари асосида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари тегишли маҳаллий Советига сайланган депутатларни рўйхатга олади.

Агар сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқиш ёхуд сайлов натижаларини аниқлаш чоғида ушбу қонунни бузишга йўл қўйилган бўлса, область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссияси сайловни ҳақиқий эмас, деб топиши ҳамда депутатни рўйхатга олишдан бош тортиши мумкин.

**51-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловининг якунларини эълон қилиш**

Халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ Советига сайловнинг якунлари тўғрисидаги ахборотни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини тегишли сайлов комиссияси сайловдан кейин етти кундан кечиктирмай алфавит тартибида депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), партиявийлиги, иш жойи ва яшаш жойи, уни депутат қилиб сайлаган сайлов округини кўрсатиб, матбуотда эълон қилади.

**52-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Совети депутатининг гувоҳномаси ва кўкракка тақиладиган нишони.**

Округ сайлов комиссияси тегишли сайлов комиссияси рўйхатга олган депутатлар рўйхати матбуотда эълон қилинганидан кейин ҳар бир сайланган депутатга унинг сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади.

Халқ депутатлари Совети депутатнинг ваколатини тасдиқлаганидан кейин унинг депутат қилиб сайланганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси депутатлик гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга гувоҳнома билан бирга кўкракка тақиладиган нишон ҳам берилади.

## X. ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ, ҚАЙТА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ВА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИНИ САЙЛАШ. ЯНГИ ТУЗИЛГАН МАЪМУРИЙ — ТЕРРИТОРИАЛ БИРЛИКЛАРДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ

**53-модда. Такрорий овоз бериш**

Агар сайлов округи бўйича иккитадан ортиқ депутатликка номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, округ сайлов комиссияси округда энг кўп овоз олган иккита депутатликка номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақда округ сайловчиларига хабар беради. Такрорий овоз бериш сайлов округида икки ҳафтадан кечиктирмай ушбу қонун талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда қатнашган сайловчилар овозини бошқа номзодга қараганда кўпроқ олган депутатликка номзод сайланган ҳисобланади.

**54-модда. Қайта сайлов ўтказиш**

Қайта сайлов қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

а) агар сайлов округи бўйича кўпи билан иккита депутатликка номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса;

б) агар сайлов округи бўйича сайлов бўлмаган ёки ҳақиқий эмас, деб топилган бўлса;

в) агар такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса.

Қайта сайлов тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссиясининг топшириғига мувофиқ округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Бунда у қайта сайловни янги составдаги округ ва участка сайлов комиссиялари ўтказиши зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш аввалги сайлов участкаларида ва умумий сайловни ўтказиш учун тузилган сайловчилар рўйхати бўйича ўтказилади.

Қайта сайлов умумий сайловдан кейин кечи билан икки ой муддат ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозининг ярмидан кўпини олмаган депутатликка номзод тегишли Советга ушбу ёки бошқа сайлов округларидан такроран депутатликка номзод қилиб кўрсатилиши мумкин эмас.

**55-модда. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловини ўтказиш**

Тегишли халқ депутатлари Совети айрим халқ депутатларининг ваколатларини ҳақиқий эмас, деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда тегишли сайлов округларида депутатлик ўрни бўшаб қолган вақтдан эътиборан икки ой муддат ичида тегишли халқ депутатлари Совети ёки унинг президиуми томонидан сайлов ўтказилишидан камида бир ой олдин белгиланади ва ушбу Қонун талабларига риоя қилган ҳолда ташкил қилинади, бунда округ сайлов комиссияси сайловдан йигирма беш кун олдин, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун олдин тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловдан ўн беш кун олдин тўхтатилади.

Бўшаб қолган ўринларга депутат сайловини ўтказган вақтда область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссияси тузилмайди.

Сайлов округининг территорияси сайлов участкасининг территориясидан кичик ёки унга тенг бўлган ҳолларда участка сайлов комиссияси тузилмайди. Округ бўйича сайлов бюллетенларини, сайлов варақаларини қабул қилиб олиш, овозларни санаш ва сайлов натижаларини аниқлаш тегишли округ сайлов комиссияси зиммасига юклатилади. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайлов округи бўйича тузилади. Агар сайловчилар рўйхатига киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлсалар, овоз бериш маҳаллий вақт билан 20 дан олдин ҳам тамомланиши мумкин.

Депутатлик ўрни халқ депутатлари Советининг ваколат муддати тугашига олти ойдан камроқ вақт қолганида бўшаб қолса, янги депутат сайлови ўтказилмайди.

**56-модда. Янги ташкил этилган маъмурий—территориал бирликларда халқ депутатлари Советларига сайлов ўтказиш**

Янги ташкил этилган маъмурий-территориал бирликларда халқ депутатлари Советларига сайлов янги ташкил этилган область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ составига кирган территорияда депутатлар йўқлиги ёки уларнинг сони етарли эмаслиги туфайли халқ депутатлари Советини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда ўтказилади.

Халқ депутатлари область Советларига сайлов Ўзбекистон ССР Олий Совети ёки унинг президиуми томонидан, халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ Советига сайлов эса тегишли юқори Совет ёки унинг президиуми томонидан маъмурий-территориал бирлик ташкил этилган кундан бошлаб узоғи билан бир ой муддат ичида белгиланади ва ушбу Қонунга мувофиқ ўтказилади.

Сайлов округларини тузиш, область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссияси, шунингдек округ сайлов комиссиялари составини тасдиқлаш сайлов ўтказишни тайинлаган Ўзбекистон ССР Олий Совети ёки унинг президиуми, ёхуд тегишли халқ депутатлари Совети ёки унинг президиуми томонидан амалга оширилади.

Сайловчилар рўйхатига киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлсалар, овоз бериш маҳаллий вақт билан соат 20 дан олдин ҳам тамомланиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
**М. ИБРОҲИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри, 1989 йил, 20 октябрь.

